



# Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat



# ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgzt.uz

www.adolatgzt.uz

www.adolat.uz

№ 32 (1096)

2016-yil, 5-avgust, juma

## Дастурий ғояларимизга мос қонун ҳужжатлари депутатлар муҳокамасида

### ➤ ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига доир бир қатор янги қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Йиғилишда биринчи ўқишда хавола этилган “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан кизгин муҳокама этилди.

— “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида бугунги кунгача ички ишлар ва ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятини тартибга соладиган қонуннинг йўқлиги, мазкур органларнинг, биринчи навбатда, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш борасидаги маъмури, фаолият шакли ва усулларини аниқлаштириш ҳамда уларга тузатишлар киритиш зарурлиги тўғрисида билдирган тақлифлари асосида ишлаб чиқилди, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси Умид Сулаймонов. — Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ички ишлар органлари ва унинг ходимлари фаолиятини тартибга солувчи 94 та норматив-ҳужжат мавжуд. Хусусан, 1991 ва 1993 йилларда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари тўғрисида”ги 270-сонли ва “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида хизматни ўташ тўғрисида муваққат ниҳомни тасдиқлаш ҳақида”ги 16-сонли қарорлари шулар жумласидандир. Аниқланишича, ички ишлар органлари фаолияти билан боғлиқ деярли барча ижтимоий муносабатлар мазкур ҳужжатлар билан тартибга солинган. Айтиш мумкин, сезиларли ҳажмдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базасининг тарқоқлиги, ички ишлар органларининг ҳуқуқий асослари бир бутун тарзда шакллантирилмаганлиги ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини таъминлаш имкониятини

бермаяпти. Тақлиф этилаётган қонун лойиҳаси ички ишлар органлари соҳасини ҳуқуқий тартибга солишнинг хорижий ва миллий тажрибасини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасида биринчи бор ички ишлар органлари ва унинг ходимларининг ҳуқуқий мақомини қонун даражасида мустақамлашга, уларнинг ижтимоий зарурати ва аҳамиятини эътироф этишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Қолаверса, мазкур ҳужжатда ички ишлар органлари фаолияти амалга оширилиши жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимояси таъминланишига алоҳида эътибор қаратилишига оид норманинг мавжудлиги, республика ички ишлар органларининг ҳуқуқий мақоми, асосий вазифалари, ваколатлари, ишлаш тамойиллари ва фаолиятининг асосий йўналишлари аниқ белгилаб берилганлиги барчанинг қонун олдида тенглиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, “Адолат — қонун устуворлигида” тамойилини амалиётга кенг жорий этиш тарафдори бўлган партиянинг дастурий максалларига ҳамроҳлиги билан ҳам эътиборга моликдир.

Қонун лойиҳасини тайёрлашга мамлакат ичида жамоат ҳафсизлиги ва ҳуқуқий тартиботни таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси суверенитетини таъминлашга алоқадор концептуал масалалар асос қилиб олинган.

Муҳокамалар жараёнида фракция аъзолари мазкур қонуннинг қабул қилиниши билан келгусида фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги, ҳуқуқ ва эркинликлари, барча турдаги мулклар, жамият ва давлат манфаатларини жинсий ва бошқа ғайриҳуқуқий таъжовузлардан муҳофаза этиш каби ижтимоий муносабатларни юқори юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат даражасида тартибга солишга эришилишини алоҳида таъкидлашди.

## 25 йил: МУСТАҚИЛЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ



## САҲРО БАҒРИДАГИ БЎСТОН

Қорақалпоғистоннинг жанубий сарҳадларидаги Амударёнинг ўнг соҳилида жойлашган Беруний туманини ораб ўтиб жанубий-шарққа қараб юрсангиз, йўлнинг икки томонида Қизилқумнинг Оролбўйи ҳудудида қадим эгган қум барханларига дуч келасиз. Ўзингизни гўё саҳро бағрига кириб қолгандай сезасиз. Ҳаёлингизда бу ерларда йўлдан бошқа ҳаёт нишонаси йўқдай таассурот туғилади. Лекин бироз юргангиздан кейин йўл устида аждоқлар меъморчилигига хос услубда қурилган маҳобатли дарвоза ва дарвозадаги “Элликқалъа” деган ёзув пайдо бўлади. Қорақалпоғистон Республикасининг кенжа туманларидан бири бўлган Элликқалъанинг жанубий-

ғарбий ҳудудлари ана шу ерлардан бошланади. Туман сарҳадларини кезсангиз, унинг аксарият қисми Қизилқум билан туташ эканлиги, бу ердаги ҳар бир қарич ер, овул, қишлоқ, шаҳар шу қумлар бағридан тортиб олинган заминда халқимизнинг бунёдкорлик кучи билан барпо этилганлиги маълум бўлади. Шунинг учун бу ерга ташриф буюрувчилар Элликқалъа ва унинг маркази Бўстон шаҳрини “Қизилқум бағрида қад ростлаган афсонамонанд макон, элик биринчи қалъа”, деб эътироф этадилар. Истиқлол йилларида Бўстон замонавий шаҳарсозлик маданияти юксалаётган, илмфан, санъат ва бошқа жабҳаларда гуллаб-яшнаётган шаҳарлардан бирига айланди.



### ➤ КИМ ЭДИГУ КИМ БЎЛДИК

## Бугундан ҳам эртаси порлоқ

Ўзбекистон бундан 25 йил муқаддам ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг, умрини ўтаб бўлган мустабида, маъмурий-буйруқбозлик тизимидан воз кечиб, “ўзбек модели” деб ном олган ўз тараққиёт йўлини танлаб олди.



Маълумки, собиқ тузум даврида юртимиз фақат пахта етиштиришга ихтисослаштирилган аграр республика эди. Мамлакатимиз ун, картошка, тухум, шакар каби асосий озиқ-овқат маҳсулотлари, ҳатто, оддий ош тузини ҳам четдан олиб келишга мажбур эди. Ўзбекистон жон

йилларида осон кечмаган йўл босиб ўтибди, 25 йил давомида амалга оширилган ислохотлар ўзининг улкан натижасини бераяпти, халқимизнинг фидокорона меҳнати эвазига эришилаётган ютуқ ва марраларимиз дунё жамоатчилиги томонидан тан олинмоқда, ислохотларимиз самараси яққол кўзга ташланмоқда.

Дунёнинг етакчи хорижий компаниялари Ўзбекистондаги шариот ва имкониятлар асосида келажакка ишонч билан ўз сармояларини автомобилсозлик, нефть ва газ кимёси, маиший электроника, фармацевтика, юқори технологияларга асосланган озиқ-овқат ва тўқимачилик саноати каби соҳаларга киритмоқда.

Хусусан, бу борада қанчалик кенг қўламли ва йирик лойиҳалар амалга оширилаётганлигини Жанубий корейлик инвесторлар билан ҳамкорликда Сурвёл қони негизда барпо этилган киймати 4 миллиард долларлик Устюрт газ-кимё мажмуаси мисолида ҳам кўриш мумкин.

### ➤ ПАРЛАМЕНТДА

Сўнгги йилларда мамлакатимизда миллий ахборот тизимини шакллантириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш қўламини кенгайтириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

## АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ таълим сифатини оширишга хизмат қилади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг “Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастури бажарилишининг бориши тўғрисида”ги ахбороти эшитишда шу ҳақда батафсил маълумот берилди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда глобал иқтисодиётда компьютер ва телекоммуникация технологиялари, дастурий таъминот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва улар асосида кенг турдаги интерфаол хизматлар кўрсатишни ўз ичига олган ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг роли ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Тадбирда 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастури телекоммуникация технологиялари, алоқа тармоқлари ва инфратузилмасини ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди.

# Эзгу мақсадлар йўлида

## ► СЕМИНАР

Истиқлол йилларида халқимиз эришган ютуқлар ҳар бир юртдошимизнинг ҳаётида чуқур из қолдириди. Бунинг давомида раҳбарнинг яқинда чоп этилган "Озодлик ҳавосидан тўйиб нафас олган халқ ўз йўлидан ҳеч қачон қайтмайди" ва "Ҳаёт синовларида топилган Қашқадарё эли ҳар қандай юксак маррани эгаллашга қодир" номли китобларида ифода этилган фикрлар, ҳаёт ҳақиқатларини акс эттирувчи далиллар мисолида аниқлаш, ҳис этиш мумкин. Кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотган мазкур асарлар айти пайтда аҳоли, айниқса, ёшлар томонидан чуқур ўрганилмоқда.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппаратида ташкил этилган ўқув-семинари ҳам ушбу янги рисола мазмун-моҳиятини ўрганишга бағишланди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати масъул ходимлари, Тошкент шаҳар ва вилоят партия кенгашлари фаоллари, "Адолат" ижтимоий-сиёсий газетаси ижодий жамоаси иштирок этди.

Қайд этилганидек, мазкур китоблардан шу йил 30 июнь – 1 июль кунлари Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг фаоллари, ёшлар ва кенг жамоатчилик вакиллари билан учрашувларда Юртбошимиз томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар, самимий суҳбатлар ўрин олган. Уларда билдирилган фикрлар ўз мазмун-моҳиятига кўра нафақат Сурхон ва Қашқа воҳалари, балки бутун мамлакатимизнинг бугунги ва эртанги тараққиёти, мамлакатимиздаги тинчлик ва оқилолликни, обод ва фаровон ҳаётни янада мустаҳкамлаш ва кадрга етиш, олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларни чуқурлаштириш, бунёдкорлик ишларини янги босқичга кўтариш, ёшларимизни соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш каби ўта муҳим ва долзарб масалаларни муҳим эътиборга олинган.

Айниқса, мустабид тузум даврида асосан шахта ҳомашёси етиштириш билан чекланган бу воҳаларда бугунги кунда замонавий технологиялар билан жиҳозланган йирик саноат корхоналари, коммуникация тармоқлари фаолият кўрсатаётгани, фермерлик ҳаракати, кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик жадал ривожланиб, қишлоқ ва шаҳарлар кифоиси тубдан ўзгариб, одамларнинг турмуш даражаси, онгу тафаккури, дахлдорлик ҳисси тобора ортиб бораётгани ва бундай ютуқлар замирида мужассам бўлган омишлар ҳақида теран фикр-мулоҳазалар баён қилинган.

Қолаверса, ушбу китобларда кадрият ва анъаналари, табиати бир-бирига жуда ўхшаш бўлган икки вилоятнинг меҳнаткаш халқи, мард ва олижаноб инсонлари ҳақида илик фикрлар билдирилиб, мустақиллик йилларида Термиз, Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари тахлил этилган.

Семинарда ушбу рисолалар ўз мазмун-моҳиятига кўра истиқлол йилларида мамлакатимиз қандай оғир ва мураккаб, шу билан бирга, шафтли йўлни босиб ўтгани, мустақиллик ҳар бир вилоятимиз, шаҳримиз ва қишлоғимиз, ҳар бир юртдошимиз ҳаётида буюк ўзгаришларга асос ва замин бўлаётганини чуқур аниқлашга ҳизмат қилиши ва ана шу бебаҳо неъматни кадрлаб, уни ҳимоя қилиб яшашга даъват этиши алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирларда, учрашув ва мулоқотларда мазкур китобларда мужассам этилган фикр ва фикрларни кенг жамоатчилик, айниқса, ёшларга етказиш муҳим эканлиги ҳамда ушбу жараёнда партия депутатлари ва фаоллари ташаббускорлик кўрсатиши зарурлиги қайд этилди.

Илҳос САХАТОВ,  
«Adolat» мухбири



# Дастурий ғояларимизга мос қонун ҳужжатлари депутатлар муҳокамасида

► Давоми. Бошланғич 1-бетда

Шу билан бирга, партия Сайловолди дастурида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлашнинг муҳим қафолларидан бири сифатида айнан ички ишлар органларининг қонунийликни таъминлашга доир фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш устувор вазифа сифатида белгиланганлиги алоҳида урғу бериб, жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари ҳимояси ва ҳавфсизлигини, ижтимоий адолатни таъминлашдаги аҳамияти долзарб эканлигидан келиб чиқиб, "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги қонун лойиҳасини концептуал жиҳатдан маъқуладилар. Шунингдек, депутатлар "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси юзасидан ишлаб чиқилган "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ҳам биринчи ўқишда кўриб чиқдилар.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда 1991 йил 20 ноябрда "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги қонун қабул қилинган бўлиб, ўтган вақт мобайнида ушбу қонун асосида ёшларнинг жамиятдаги ўрни ва ролни мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш, Ватандан ғурурланиш ҳиссини тарбиялаш, кекса авлодга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, шунингдек, ёшларни "оммавий

маданият"нинг салбий таъсирларидан ҳимоя қилишга доир ташкилий-ҳуқуқий ва институционал чора-тадбирлар рўёбга чиқарилди.

— Айни пайтда ўтган 25 йиллик давр ушбу соҳадаги қонунчиликни бугунги кун талабларидан келиб чиқиб такомиллаштириш зарурлигини туйғурди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Шухрат Якубов. — Шундан келиб чиқиб, қонун лойиҳасида "ёшларга оид давлат сиёсати", "ёшлар (ёш фуқаролар)", "ёш оила", "ёш мутахассис" каби асосий тушунчаларнинг мазмуни очиб берилмоқда. Ёшларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари, шунингдек, соғлиқни сақлаш, иш билан таъминлаш соҳасидаги ҳуқуқий қафоллар мустаҳкамланмоқда. Жумладан, ёш

лар (ёш фуқаролар) деганда, 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган шахслар назарда тутилмоқда. Бундан ташқари, ёш оила тушунчасига таъриф берилмоқда. Унга кўра, ёш оила деганда, 30 ёшдан ошмаган эрхотиндан ёхуд фарзанд (бола) парваришланган ота ёки онадан иборат бўлган оила, шу жумладан ёлғиз, бева эр (хотин) тушунилиши назарда тутилмоқда. Мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаб берувчи ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирлар назарда тутилганлиги, шунингдек, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар, муассасалар ҳамда ушбу субъектларнинг ваколатлари белгиланаётгани билан аҳамиятлидир.

Фракция аъзолари Ўзбекистон "Адолат" СДП мамлакатимиз келажаги соғлом ва ҳар томонлама уйғун ривожланган ёшлар қўлида, деб ҳисоблаш ҳамда ушбу қатлам манфаатларининг ҳуқуқий қафолларини мустаҳкамлашни энг муҳим дастурий вазифа этиб белгиланганини инобатга олиб, "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонун лойиҳасини концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватладилар.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди ва фракциянинг нуқтаи назари белгилаб олинди.

Саодат СОДИҚОВА,  
«Adolat» мухбири

# АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ таълим сифатини оширишга хизмат қилади

► Давоми. Бошланғич 1-бетда

Комплекс дастур доирасида умумий қиймати 2,1 триллион сўмлик 17 лойиҳа, шунингдек, "электрон ҳукумат" тизимининг ахборот тизимлари ва маълумотлар базасини ташкил этишга доир 28 та тадбир ва лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Бунинг самарасида яқин истиқболда давлат ва жамиятнинг самарали ахборот-коммуникация инфратузилмасига бўлган эҳтиж таъминланади.

Айни пайтда солиқ, коммунал соҳа, божхона, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларга ахборот тизимлари кенг жорий этилган. Хусусан, бундай тизим солиқ соҳасида ҳисоботларни тўлиқ электрон шаклда топширишга ўтиш, солиқ тўловчилар учун эллиқдан зиёд замонавий интерфаол хизматлар кўрсатиш имконини берди.

Тадбирда ахборот тизимларининг жорий этилиши нафақат хизматлар кўрсатиш жараёнини оптималлаштириш ва соддалаштириш, балки бу жараёнда маблағ тежаллишига ҳам хизмат қилаётгани, ахборот-коммуникация технологиялари электрон тўловларни ривожлантириш соҳасида ҳам кенг қўлланилаётгани қайд этилди.

Ягона интерактив давлат хизматлари портали ривожланиб, янги йўналишларни қамраб олмоқда. Айни пайтда портал орқали аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига 289 йўналишда замонавий хизмат кўрсатилмоқда. Кичик бизнес ва ҳусусий



тадбиркорлик соҳасида солиқ ва статистика ҳисоботларини тўлиқ электрон шаклда топшириш, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш, лицензия ҳамда рухсат берувчи ҳужжатларни олиш учун ариза тақдим этиш, шунингдек, аҳолига электрон мувожаатларни кўриб чиқиш, архив маълумотномаларини бериш, нафақа олиш, болаларни мактабга таълим муассасасига қабул қилиш учун ариза топшириш каби хизматлар кўрсатилмоқда.

Парламент эшитувида Комплекс дастурдаги лойиҳаларни ўз вақтида ва самарали амалга ошириш, электрон хизматлар орқали фуқароларимиз турмуш сифати, тадбиркорлик фаолияти учун шароитларни яхшилаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очкилигини таъминлаш масалаларига эътибор қаратилди.

Эшитув чоғида Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси ҳам муҳокама этилаётган масалалар юзасидан ўз муносабатини билдирди.

Таъкидлаш лозимки, партиямиз "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонун қабул қилиниши муносабати билан парламент назорати шаклидан бири ҳисобланган зарур қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўз вақтида ва тўлиқ қабул қилиниши устидан мониторинг олиб борилишида фаол иштирок этишни режалаштирган.

Биз дастурий мақсад ва вазифаларимизнинг амалга оширилишини таъминлашда олий таълим тизимини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш ҳисобида таълим сифатини ошириш, таълим соҳасидаги ахборот хизматларини тақдим этиш учун Комплекс дастурда назарда тутилган "Таълим" ахборот тизими лойиҳасини амалга ошириш тарафдоримиз. Айниқса, ёшларнинг ҳавфсиз ахборотдан фойдаланишининг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, ёшларнинг интернетдан фойдаланиш меъёрларига амал қилиш маданиятини шакллантириш, уларда мафқуравий иммунитетни кучайтириш партиямиз мақсад ва вазифаларидан биридир. Шу мақсадда фракциямиз аъзолари иштирокида республикамиз таълим муассасаларида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда бир қатор тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг "Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастури амалга оширилишининг бориши тўғрисида"ги ахборот фракциямиз аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

Парламент эшитувида Ўзбекистон Республикасининг "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонунини ва Комплекс дастур ижросини таъминлаш бўйича зарур қонуности меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жадвалини тузиш, миллий ахборот қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш юзасидан фикр алмашилди.

Жамшид ПИРМАТОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги  
Ўзбекистон "Адолат" СДП  
фракцияси аъзоси

## ► ТАДБИР

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Одоб-ахлоқ комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партиянинг коррупцияга қарши кураш комиссияси, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш комиссияси, тендер ва махсус танлов комиссиялари аъзолари, партия Сиёсий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Марказий аппарат масъул ходимлари, Тошкент шаҳар ва вилоят кенгашлари фаоллари, "Адолат" ижтимоий-сиёсий газетаси ижодий жамоаси вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда таъкидланганидек, Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Одоб-ахлоқ қондалари партиянинг Устав ва Дастурида белгиланган асосий мақсад ва вазифаларни рўёбга чиқаришда партия аъзолари учун умумий маънавий-ахлоқий принципларни белгилаш, жамият ва партия тизимида сиёсий коррупциянинг олдини олиш, инсон ҳуқуқлари ва меҳнат муносабат-

# Маънавий-ахлоқий тамойиллар – фаолиятимиз мезони



ларида миллий қонунчилик талабларига риоя қилиш, низоли вазиятларнинг олдини олиш ёки томонларни муросага келтириш, барча даражадаги партия ходимлари иш фаолиятида амал қилиши лозим бўлган қондаларни партия фаолиятига таътиб этиш мақсадида ишлаб чиқилган. Бугунги кунда партия Марказий аппарати ва ҳудудий кенгашларда одоб-ахлоқ комиссиялари тузилган ва улар ўз фаолиятларини ушбу қондалар асосида олиб бормоқда.

Одоб-ахлоқ комиссияси раиси А.Раҳмонов партиянинг ҳар бир ходими ва аъзоси ушбу

қондаларда белгиланган меъёрларга оғинмай амал қилиши лозимлиги, шу билан бир вақтда жамиятда, айниқса, партия тизимида коррупцияга йўл қўймаслик, ҳар бир ишда, шу жумладан, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, тендер ва махсус танлов комиссияларининг фаолиятини ташкил қилишда қонунчиликка оғинмай риоя этиш, шунингдек, ахборот ва мафқуравий таҳдидлар авж олаётган айти даврда партиянинг ҳар бир аъзоси ён-атрофимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан хабардорлиги, доимо хушёр ва огоҳ бўлиши, мамла-

катимизда амалга оширилаётган янгиликлар жараёнига дахлдорлик ҳисси билан яшамочи зарурлигини қайд этиб ўтди.

Йиғилишда партия тизимида қонунбузилиш ва коррупциянинг олдини олиш, жумладан, партиянинг молиявий фаолиятида ошкораликни, кадрларни танлаш алоҳида таъминлаш энг устувор вазифалардан бири эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, йиғилишда партия тизимидаги коррупцияга қарши кураш комиссиясининг фаолияти ҳам тахлил этилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Одоб-ахлоқ комиссияси аъзоси Қ.Жўраев иштирокчиларга мамлакатимизда коррупцияга қарши кураш бўйича яратилган қонунлар ҳамда республикамиз томонидан ратификация қилинган халқаро ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ҳақида атрафлича сўз юритди. Коррупцияга қарши кураш соҳасидаги фаолиятни тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштиришда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракциясининг роли ҳусусида маълумот берди.

Шу билан бирга, жойларда қонунларнинг ижро этилиши у-

тидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини таъминлаш партия депутатлик корпусининг асосий вазифаларидан бири эканлиги алоҳида қайд этилди. Айниқса, коррупцияга қарши қабул қилинган меъёрий ҳужжатларнинг амалиётда қўлланилиши чуқур ўрганиш ва уларни янада такомиллаштириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқишда нафақат депутатлар, балки партиянинг ҳар бир фаоли масъул эканлиги қайд этиб ўтилди.

Шунингдек, кенгайтирилган йиғилишда Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг "Кадрлар комиссияси тўғрисида"ги Низом талабларининг қонунчилик ижроси юзасидан ҳам фикр алмашилди. Партия тизимида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, ушбу жараёнда ҳолисликни таъминлаш мақсадида тегишли ҳужжатларга масъул раҳбар ходимлар қатъий амал қилишлари шартлиги таъкидланди.

Йиғилиш сўнггида Одоб-ахлоқ комиссияси фаолиятига доир ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди ва муҳокама этилган мавзулар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ,  
«Adolat» мухбири



**БПТ — ПАРТИЯ ТАЯНЧИ**

Ўзбекистон “Адолат” СДП Учтепа туман кенгаши Тошкент шаҳар партия тузилмалари орасида пешқадам ташкилотлардан бири саналади. Бунда унинг таркибига бирлашган 32 та бошланғич партия ташкилотлари етакчилари ва 1100 нафар аъзолари фаоллиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Эътиборлиси, сафдошларимизнинг кўпчилиги оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, миллат генофондини яхшилаш, фуқароларнинг тиббий маданиятини юксалтириш, аҳолининг узок умр кўриш даражасини ошириш, оилаларда соғлом фарзандлар туғилиши ва уларнинг соғлом ўсишига масъул касб эгалари — тиббиёт ходимларидан иборат.



# Шифокор сафдошларимиз ибрати

Ўз вазифасига сикидилдан ёндашиб, ҳар бир беморга алоҳида эътибор қаратаётган 25-оилавий поликлиника жамоаси қўшида фаолият юритаётган Ўзбекистон “Адолат” СДП бошланғич партия ташкилоти аъзолари ҳам аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш борасида астойдил меҳнат қилмоқда.

Авалло шунга таъкидлаш жоизки, ушбу тиббиёт муассасасида ўз касбига фидойи оила шифокорлари ва ҳамширалари томонидан тумандаги “Бирлик”, “Богистон”, “Богобод”, “Кўхна Чўпон ота” ҳамда “Гузар” маҳаллаларида истиқомат қилувчи 33 620 нафар аҳолига, жумладан, 9 377 нафар 18 ёшгача бўлган болалар, 7 780 нафар туғиш ёшидаги аёллар, 24 243 нафар ўрта ва катта ёшдагиларга малакали тиббий хизмат кўрсатиб келинмоқда.

Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланган, — дейди 25-оилавий поликлиника бош вақили Саида Расулова. — Айниқса, 2016 йилнинг “Соғлом она ва бола йили” деб номлангани бу борадаги ишларни янги бос-

қичга олиб чиқди. Бу эса тиббий муассасалар зиммасига катта масъулият юклайди. Шу боис, поликлиника шифокорлари туман аҳолисининг соғлигини сақлаш, уларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш, туғиш ёшидаги аёллар соғлигини назорат қилишда профилактика ишлари намунали олиб борилиши таъминлашдек масъулиятли вазифага виждонан ёндашиб, бор куч ва билимларини сафарбар этмоқдалар.

Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин” шiori остида ўтказилган тиббий кўрик натижаларига кўра, туғиш ёшидаги аёлларнинг 77,2 фоизи, болаларнинг 54,7 фоизи, катта ёшдаги аҳолининг 57,3 фоизи, яқка-ёлғиз, ўзгалар парваршига эҳтиёжманд қарияларнинг 19 нафари чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Тиббий кўрик натижасида аниқланган касалликлар шифокорлар томонидан диспансер назоратига олиниб, уларнинг 97,6 фоизи соғломлаштирилди.

Юқумли касалликларнинг олдини олиш мақсадида эмланнинг миллий календарига мувофиқ

ишлар талаб даражасида амалга ошириб келинмоқда. Эътиборлиси, аҳолининг тиббий маданияти янада ошиши, турмуш қураётган ёшларнинг тиббий кўриқдан ўтказиши сифатини яхшилаш, улар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, айниқса, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш бўйича ўтказилаётган уярушулар, давра суҳбатлари ҳам ўз ижобий натижасини берапти.

Албатта, профилактика тадбирлар самараси аҳолининг тиббий маданиятини ошириш билан узвий боғлиқдир, — дейди бош ҳамшира, БПТ раиси Шохиди Одилова. — Шу мақсадда партияимиз Сайловолди дастурида тиббий ёрдам сифатини янада яхшилаш, сифатсиз дори воситалари сотилишининг олдини олишга доир белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, “Соғлом она — соғлом бола”, “Аҳолида тиббий маданиятни шакллантиришда сиёсий партия ва тиббий муассасаларнинг ҳамкорлиги”, “Репродуктив саломатлик”, “Тиббий кўрик — давр талаби”, “Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, жамият мустаҳкам бўлади” ва бошқа шу каби мавзуларда тарғи-

бот-ташвиқот ишлари олиб боришмоқда.

“Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 мартдаги “Касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида БПТ ташаббуси билан амалга оширилаётган ишлар ўз самараларини бераётир. Тиббий муассасамизда 1-сонли Республика тиббиёт коллежи ва Чилонзор тиббиёт коллежи ўқувчилари билан “устоз-шогирд” анианаси йўлга қўйилган, бундан кўзланган мақсад ўқувчиларнинг касб маҳоратини янада оширишдир. Муассасамизда ўқув амалиётини ўтаган иккидан ишларни ишга қабул қилиб, коллеж битирувчилари

бандлигини таъминлашга эришмоқдамиз. Бунинг натижасида 12 нафар коллеж битирувчиси ҳамда икки нафар Тошкент тиббиёт академияси битирувчилари ишга қабул қилинди. Хозирда Санобар Тўраева, Камола Бурхонова, Мухайё Пулатова каби ёш мутахассислар ҳамда Тиббиёт академияси битирувчиларидан Хурид Мирзаев ва Севара Узанова таълим даргоҳида ўрганган билимлари ва илк тажрибаларини намойиш этиб келишмоқда.

БПТ аъзолари дастурий роля ва мақсадларимизни тарғиб этиш жараёнида Ўзбекистон “Адолат” СДП фаолияти, партия депутатлари амалга ошираётган ишлар ҳақида ҳам сўз юритиб, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, аҳоли ўртасида партияимизга ишончини оширишга интилоқдалар.

Шу кунларда мустақиллигимизнинг 25 йиллигини муносиб қутиб олиш юзасидан амалиётга изчил йўналтирилган партияимиз Режасига мувофиқ фаолларимиз “Буюк ва муқаддасан, хур Ўзбекистон!”, “Ким эдигу ким бўлди”, “Куч — адолатда” мавзуларида тарғибот ишларини кўтаринки руҳда олиб боришмоқда.

Феруз ЖўРАЕВ, Тошкент шаҳар кенгаши матбуот котиби

# Амалий иш ва натижалар

## электорат ишончини оширмоқда ДЕПУТАТЛИК ГУРУХЛАРИДА

Бугунги давр олдимизга қўяётган янги вазифалар партиянинг сиёсий куч сифатида мавқеини янада мустаҳкамлаш, хусусан, партия депутатларининг ташаббускорлиги, улар фаолиятининг самарасини оширишни тақозо этади. Шу мақсадда халқ депутатлари Сирдарё вилояти, шаҳар ва туман Кенгашларидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП депутатлик бирлашмалари фаолиятини тубдан кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Халқ депутатлари Сайхунбод туман Кенгашидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП депутатлик гуруҳи аъзолари ҳам фуқароларнинг мурожаатлари, сайловчиларнинг таклифлари билан ишлаш, тарғибот тадбирларини ташкирчан ва самарали олиб боришда аччигина тажриба орттиришди. Бу эса электорат манфаатларини рўйбага чиқаришда ижобий аҳамият касб этмоқда. Шу ўринда бир-икки мисол келтириб ўтсак.

“Пахтаобод” маҳалласидаги фуқаролар “Кўклам” кўчасига ичимлик суви қувурларини ўрнатиш зарурлиги юзасидан депутатлик гуруҳимизга мурожаат қилишган эди. Шу масала юзасидан тумандаги “Сувоқова” ДУК филиали бошлиғининг бизга берган жавобида бу вазифа филиалнинг 2017 йилги иш режасига киритилганлиги таъкидланган.



Сайловчиларнинг яна бир мурожаатига асосан “Фаровон” маҳалласидаги бир қатор кўчаларда электр тармоқларини янгидан ўрнатиш масаласида туман электр тармоқлари корхонаси раҳбари номига киритилган депутатлик сўрови тез орада ижобий ҳал этилиб, маҳалла аҳлига улар истаганидек қўлайлик яратилди.

Партияимизнинг Сайловолди дастурида бозор иқтисодиёти ва хусусий тадбиркорлик ташаббуслари социал-демократиянинг асосий роляларини амалга оширишда муҳим восита бўлиб хизмат қилиши таъкидланган. Тадбиркорларнинг янги ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларга қўмаклашиш партия депутатларининг диққат марказидаги вазифалардан бири саналади.

Бунинг бир қатор мисоллар билан изоҳлаш мумкин. Масалан, “Паймарт” маҳалласида истиқомат қилаётган Наргиза Ярлақбаевага “Микрокредитбанк”нинг туман бўлимидан 3 миллион сўм миқдорда кредит олишида депутатлик гуруҳимиз томонидан амалий ёрдам кўрсатилди. Хозирда Н.Ярлақбаева тикувчилик фаолиятини йўлга қўйди ва коллежни тамомлаган ёшлардан 5 нафарини иш билан таъминлашга эришди. Ташаббуснинг қаноти бор, дейишди. Яқинда партия гуруҳимиз кўмағида тадбиркор Н.Ярлақбаева ўз фаолиятини кенгайтириш мақсадида яна 10 миллион сўм миқдорда кредит олишга муваффақ бўлди. Демак, ёш мутахассислар учун янги иш ўринлари сони ортади.

“Фаровон” маҳалласида истиқомат қилувчи яна бир ташаббускор Шавкат Шукруллаева ҳам “Микрокредитбанк”нинг туман бўлимидан 3 миллион сўм миқдорда кредит олишда ёрдам кўрсатилиб, хозирда Ш.Шукруллаева хунармандчилик фаолиятини бошлади, икки нафар шогирди билан биргаликда улар ясаган стол-стулар кўпчиликка манзур бўлмоқда.

Гуруҳимиз аъзолари ҳудуддаги 19, 25, 38-умумтаълим мактабларида спорт залларини таъмирлаш, айрим синф хоналарининг зарур жиҳозлар билан таъминланишида вилоят халқ таълими, молия бошқармаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда хайрли ишларни амалга оширди. Шунингдек, 38-умумтаълим мактаби спорт майдончасини 500 метр узунликда айлана тўсиқ билан ўраш ишлари олиб боришмоқда.

Албатта, фуқароларнинг мурожаатларини ўрганиб, уларда келтирилган масалаларни мутасадди ташкилотлар кўмағида ҳал этиш муҳим вазифамиз саналади. Шу билан бирга, депутат ваколатлари доирасидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, фаолиятимизга танқидий ёндашиб кераклигини англаймиз. Масалан, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари томонидан ҳудудий дастурларнинг ижро этилиши юзасидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини талаб даражасида олиб бориш, маҳаллий Кенгаш сессиялари муҳокамасига долзарб масалаларни киритишда биров сусткашликка йўл қўйилмаётганини асло назардан четда қолдириб бўлмайди. Депутатлик гуруҳлари сиёсий партиянинг етакчи қуучларидан бири эканини назарда тутсак, мавжуд камчиликларни тезда бартараф этиш нақадар муҳимлигини аниқ тасаввур қиламиз. Депутатлик гуруҳимизнинг яқинда ўтказилган йиғилишида шу ҳақда батафсил сўз юритилиб, галдаги долзарб вазифаларни белгилаб олдик.

Эркин САИДОВ, халқ депутатлари Сайхунбод туман Кенгашидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП депутатлик гуруҳи раҳбари

# “АДОЛАТ” СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ: МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

## ИНШОЛАР ТАНЛОВИ

Ёшлар тарбияси, уларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш, интеллектуал салоҳиятли, инновацион фикрлайдиган, истеъдодли ёшларни излаб топиш ва қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Қорақалпоғистон ҳудудий кенгаши фаолларининг ҳам диққат марказидаги масалалардан биридир.

## Рағбат истеъдодга қанот бағишлайди

Партияимизнинг “Ватан келажиги ёшлар қўлида” ижтимоий лойиҳаси доирасида мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб ташкил этилган “Иншолар танлови”нинг ҳудудий босқичида олий ва ўрта махсус таълим даргоҳларида тахсил олаётган юзлаб истеъдодли ёшлар иштирок этди.

Нукус шаҳрида “Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жовим сенга фидо, Ўзбекистоним!” шiori остида ташкил этилган тадбирда мазкур танловнинг ҳудудий босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси Е.Қуназаров ва халқ депутатлари Нукус шаҳар Кенгаши депутати, партия ҳудудий кенгашининг “Аёллар қаноти” етакчиси У.Сейтжановалар мустақиллик йилларида мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар ва Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси томонидан ёш авлодни баркамол қилиб вояга етказишга қаратилган эътибор, бу борада бир қатор лойиҳалар амалиётга изчил йўналтирилгани хусусида батафсил сўз юритдилар.

Тадбирда “Иншолар танлови”нинг ҳудудий босқичида фаол иштирок этган иккидорли ёшлар рағбатлантирилиб, Қорақалпоғистон Республикаси партия кенгашининг эъзалик совғалари ва фахрий ёрликлари билан тақдирланди.

— Мустақиллик биз, ёшларга ўз тарихимиз ва миллий кадриятларимизни эмин-эркин ўрганиши, эркин фикрлаш ва ижод қилиш бахтини берган, — дейди танлов иштирокчиси, Нукус иктисодиёт касб-хунар коллежи ўқувчиси Абдан Сержанова. — Ўзган иншоларимизда она юртва меҳр-мухаббатимиз, овоз ва обод Ватанимиз гўзалликлари, оруз-мақсадларимизни чин дилдан ифодалашга ҳаракат қилдик.

Шарипа ТОРЕШОВА, Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот котиби



## Ҳаваскор терма жамоалар яшил майдонда беллашдилар

### “АДОЛАТ” КУБОГИ УЧУН

Шу кунларда ҳаваскор жамоалар ўртасида “Адолат” кубоги учун ҳудудларда ўтказилаётган мини-футбол мусобақасининг минтақавий босқичи бошланди.

Ўзбекистон “Адолат” СДП томонидан мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллик байрами муносиб қутиб олиш ва нишонлашга доир ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режасига мувофиқ ташкил этилган мазкур мусобақанинг галдаги бахслари Урганч давлат университети спорт мажмуасида бўлиб ўтди. Мазкур минтақавий босқич ўйинларида Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилояти ҳаваскор терма жамоалари ўзаро куч синашдилар.

Яшил майдонда кизиқарли тарзда кечган беллашуларда Хоразм вилояти ҳаваскор терма жамоаси 3:2 ҳисобида ғолиб чиқди ва мусобақанинг республика босқичига йўлланма олди.

— Беллашув сафдошларимизни фаолликка чорлаши билан бир қаторда юрдошларимиз ўртасида ҳамжиҳатлик, дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси партия кенгаши раиси ўринбосари Ривож Отарбоев.

Хоразм вилоят партия кен-

гаши раиси Икром Абдуллаевнинг таъкидлашича, ушбу мини-футбол мусобақаси ҳам аҳоли, айниқса, ёшларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига кенгроқ жалб қилиш ва улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришда амалий аҳамиятга эга бўлмоқда.

Мусобақада фаоллик кўрсатган жамоалар аъзоларига партиянинг фахрий ёрлиги ҳамда эъзалик совғалари топширилди. Тадбир сўнггида Урганч шаҳар маданият ва спорт ишлари бўлими санъаткорларининг жўзибадор куйи ва кўшиклари иштирокчиларга байрамона кўтаринчилик бахш этди.

Замира АБДУЛЛАЕВА, Хоразм вилоят кенгаши матбуот котиби

## Давоми. Бошланкичи 1-бетда

Эллиқалъа тумани ва Бўстон шаҳрининг айнан мана шу ерда, Қизилқумнинг шамол кўчириб юрадиган барханлари ўрнида барпо этилиши бежиз эмас. Бу замида миллоддан олдинги даврларда қадимий Қалтаминор, Сувёрон, Амиробод маданиятлари шаклланишига хизмат қилган Тошхирмон, Жонбосқалъа, Оқчахон, Гавхура каби гуллаб-яшнаган вохалар мавжуд бўлган. Ушбу вохаларда Оқчахонқалъа, Қизилқалъа, Қаватқалъа, Тупроққалъа, Ангқоқалъа сингари ўнлаб шаҳарлар қад ростлаган. Қадимий Хоразм цивилизациясининг марказлари сифатида давлатчиликнинг ривожланишига, шаҳарсозлик маданиятининг юзага келишига асос бўлган. Академик Яхё Фуломовнинг эътирофи эътиборга, бу ҳудудда, Оролбўйи минтақасида 1,5 миллион гектар суворма ерларда дехқончилик қилинган. Ана шу гуллаб-яшнаган ўлка дастлаб араблар, кейин мўғуллар босқини, турли табиий офатлар натижасида вайронага айланиб, қумлар остига кўмирилган. XX асрнинг охирига келиб аждодларимиздан мерос ушбу замин қайта ўзлаштирилиб, яна обод қилинишига киришилди. Бўстон шаҳрида барпо қилинган "Очқосмон остидаги музей"да ўлкада мавжуд бўлган илк шаҳарларнинг кўринишлари кичрайтирилган макетлар ҳолида ўз ифодасини топган. Суратларда эса уларнинг асл тарихий кўринишлари ва бугунги вайрона ҳолатлари акс эттирилган. Бу музей аждодлар меросига эҳтиром ифодасига айланган. Бўстон шаҳри аждодларимизнинг қадимий қалъалари, қўрғонлари, шаҳарлари ўрнида қайта тикланган замонавий шаҳарсозлик намунаси ҳисобланади.

Бўстон шаҳри қадимий Хоразмшоҳлар давлатининг пойтахтлари бўлган Оқчахонқалъа, Тупроққалъа, Қўйқирилганқалъа каби шаҳарлар билан туташ нуктада, Қаватқалъа воҳасининг қок марказида жойлашган. Унинг Эллиқалъа туманининг маркази сифатида танланиши асосида ҳам ана шу тарихий ҳақиқат ётади, — дейди археолог, Ўзбекистон Кахрамони Файратдин Хўжанов. — Шунинг учун Бўстон шаҳри бағрида ҳам, унинг атрофларида ҳам тарих билан юзлашасиз. Бир томонда Қизилқалъа, иккинчи томонда Амударёнинг қадим ироқларидан бири Оқчадарё, учинчи томонда Аёзқалъа, Қирқизқалъа, Йигитқалъа, Қизқалъа каби масканлар. Буларнинг аксариятида хоржилик олимлар билан биргаликда археологик тадқиқотлар олиб борилмоқда. Аёзқалъа эса сайёҳлик марказига айланган. Меҳмонхоналар, дам олиш масканлари, болалар оромгоҳлари, замонавий иморатлар Бўстоннинг бугунги қиёфасини намоян қилади. Шунинг учун Бўстонни ўтмиш ва келажак чорраҳасидаги шаҳар деб атагим келади.

Эллиқалъа тумани ва Бўстон шаҳри ҳудудида аввал мавжуд бўлган қадимий қалъалар, қўрғонлар Буюқ ипак йўлида жойлашганлиги сабабли улардан шарқ ва ғарбга, шимол ва жанубга савдо қарвонлари қатнови доимо давом этиб турган. Эндилликда Бўстон шаҳри ва туман ҳам замонавий коммуникация тармоқлари билан мустахкам боғланган. Туман ҳудудидан ўтган Нукус ва Навоий шаҳарларини боғловчи автомобиль йўлидан машиналар оқими тинмайди. Мамлакатимизнинг марказий темир йўл магистралининг бир қисми ҳисобланган Тўртқўл — Нукус йўналишида муҳим ўрин тутган Эллиқалъа темир йўл бекати замонавий асосда қўрқам ва гўзал қилиб қурилган. Бўстон шаҳрига етиб келган темир йўл тармоғи туманининг иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти учун хизмат қилмоқда. Шаҳарда янги базалар, ишлаб чиқариш ва саноат корхоналари бунёд этилмоқда. Бугун Бўстон шаҳрида бўлган одам бундан 35-40 йил илгари бу жойлар қум босиб ётган, фақат янтоқ ва ёвсанлар ўсадиган маскан бўлганига ишончи келмайди. Кенг кўчалар, умуман, шаҳар бағрига соя ташлаган дарахтлар бу ерга ўзига бир гўзаллик, ажиб бир тароват бағишлаган. Шаҳарнинг битта кўчасида эмас, деярли ҳамма нукталарида ана шундай яшиллик, орасталик кўзга тапланади. Албатта, Бўстон шаҳри барпо этилган



нига ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин у бугунги кунда Қорақалпоғистоннинг гўзал шаҳарларидан бирига айланди.

яқинидаги амфитеатр қадимги римликларнинг санъат масканларини эслатади. Аслида шундай амфитеатрлар барпо этилиб, аввало, қадим Хоразмда мавжуд бўлган. Бу ерда ўн йилдан ортиқ археологик казишмалар олиб бориш натижасида шун

бошланади. Бу бино кўриниши очик ҳолдаги китоб шаклида барпо этилган. Унинг олдидаги майдон — кенглик бинонинг тўлароқ намоён бўлишига имкон яратган. Бу ерда фавворалар мўътадил иқлимини таъминлашга хизмат қилиб, майдонга қўрқамлик бағишлаган. Ушбу бинога яқин жойда кўп қаватли меҳмонхона ва бошқа жамоат ташкилотлари жойлашган ишоотлар ўрин олган. Майдонга туташ нуктада эса яна бир табаррук маскан — Хотира майдони барпо этилган. Бу майдонда эллиқалъаликларнинг нафақат яқин ўтмишда яшаб ўтган, фидокорона меҳнат қилиб, ҳаётини шу юрт озодлиги ва ободлиги учун бахшида этган ота-боболари хотираси, балки олис ўтмишда шу ўлкада улғу давлатчиликка асос солган, юзлаб шаҳарлар, қалъалар барпо этган аждодларимиз руҳи ҳам ёдга олинади.

Бўстонда мухташам тарзда барпо қилинган бундай майдонлар кўп. Шулардан бири "Устозга эҳтиром" деб номланади. Бу майдонда сеvimли шогирдини порлоқ келажак — илм йўлига бошлаб бораётган ўқитувчи, мураббий сиймоси акс этган хайкал қад ростлаган. Табиийки, дунёда турли муносабатлар билан барпо этилган майдонлар, хиёбонлар, уларда улғу шахсларга қўйилган хайкаллар кўп. Лекин устоз ва мураббийларга бағишлаб ўрнатилган хайкал ҳам, майдон ҳам битта. У ҳам бўлса, Бўстон шаҳрида бунёд этилган. Шаҳарнинг замонавий шаҳарсозлик асосида тикланган ишоотларидан бири — бу Санъат саройи ҳисобланади. Мухташам тарзда, замонавий ва миллий шаҳарсозлик анъаналари асосида, ички ва ташқи кўриниши ниҳоятда гўзал қилиб барпо этилган, гулзорлар бағрида бўлиб тиклаган бу сарой нафақат Бўстон шаҳрининг, балки Қорақалпоғистоннинг ҳам кўрғига айланган.

— Санъат саройи Оқчадарё соҳилларида қад ростлаган. Айтишларича, у Хоразмшоҳлар давлатининг пойтахти Тупроққалъанинг саройларидан бирининг ташқи кўриниши ва тарҳига монанд қилиб ишланган, — дейди австралияди археолог олим Алисон Бетс. — Сарой ниҳоятда мухташам. Унинг ташқи кўриниши одамни ўзига маҳлиё қилади. Айлана шаклдаги сарой, унинг атрофидаги анвойи гуллар, дов-дарахтлар. Сарой олдидаги турли шаклдаги фавворалар атрофга қўрқамлик ва салқинлик бағишлаб туради. Сарой



га яққол амин бўлдим. Амфитеатр ва Санъат саройи атрофи боғ қилинган. Буларнинг ҳаммаси уйғунлашиб, ушбу масканнинг гўзаллигини оширган. Бундай гўзаллик ҳар бир юрт учун бахт саналади.

Бугун шаҳарнинг "Ўзбекистон", "Халқлар дўстлиги" кўчаларини айлансангиз янги тикланган ва замонавий йўсинда қад ростлаётган қўллаб бинолар, шаҳарсозлик маданиятининг ажойиб намуналари кўзга тапланади. Улар Бўстоннинг обод қиёфасини намоян ётади.

Эллиқалъа Қорақалпоғистон Республикасида ҳудуди катта ва ишлаб чиқариш ривож топаётган, саноат, қурилиш, аграр соҳалари тараққий қилаётган туман ҳисобланади. Хозирги пайтда туман ҳудуди 542 минг гектарни, аҳоли сони эса 141 минг кишини ташкил этади. Бу ерда 13 та овул, 16 та маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолият олиб бормоқда. Саноат соҳасида 70 дан ортиқ нодавлат шаклдаги корхоналар мавжуд бўлиб, улар йилига 50 миллиард сўмлик маҳсулот етказиб бермоқда. Шундан салкам 15 миллион долларлик маҳсулотлар хорижага экспорт қилинмоқда. Шунингдек, савдо, сервис соҳасидаги даромад 45 миллиард сўмдан ошмоқда. Тумандаги 50 га яқин қурилиш корхоналари кучи билан йилга 55-60 миң квадрат метр ҳажмда бинолар, ишоотлар қурилмоқда. Шу билан биргаликда, туманда кейинги йилларда 240 ўринли касб-хунар коллежи барпо этилиб, 2 та 1000

ўринлик мактаб қайта таъмирдан чиқарилди. Бугунги кунда туманда 50 дан ортиқ кутубхона, 5 та ахборот-ресурс маркази, 1 та болалар мусика мактаби фаолият юритмоқда. Аҳолини соғломлаштириш мақсадида 3 та стадион, 1 та сув хавзаси, 58 та спорт заллари, 80 дан ортиқ футбол майдончалари, 1 та болалар спорт мактаби ишлаб турибди. Буларнинг ҳаммаси туманининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ҳисса қўшиши билан бирга, Бўстон шаҳрининг шаҳарсозлик маданиятини юксалтиришга, замонавий ишоотлар бунёд қилинишига хизмат қилмоқда.

Қорақалпоғистонликлар Бўстон шаҳрини илм-фан ва санъат маскани деб улуғлашади. Бунинг маълум сабаблари бор. Аввало, бу шаҳар яқинидаги Тупроққалъа деворларидан бирдан миллоддан олдинги III асрга мансуб арфа чалаётган қиз сурагининг ва у ердаги хоналардан қадимий Хоразм ёзувларининг топилиши ёки Оқчахонқалъада қўлида мусика асбоблари, китоб тутган кичик хайкалчаларнинг аниқланиши бу ер қадимдан илм-фан ва санъат маскани бўлганлигини кўрсатади. Бу меросий анъана Бўстоннинг бугунги ҳаётида ҳам намоён бўлмоқда. Шаҳарда хозирги пайтда 5 та касб-хунар билим юрти — тиббиёт, кишлоқ хўжалиги, агроиқтисодиёт, маиший хизмат, санъат ва бошқа кол-

уилар атрофини кўкаламзорлаштириб ўзига хос эколандшафт тизимини шакллантириш жараёнига алоҳида эътибор қаратмоқда. Бўстон шаҳрида ҳам бу борада хайрли ишлар олиб борилмоқда. Табиийки, ушбу шаҳар қум барханлари остидаги қўриқ замида барпо этилган. Бундай жойда дарахт экиб кўкартириш, боғ яратиш осон кечмайди. Бу борада бўстонликлар ердан, сувдан усталик билан фойдаланишнинг йўлини топиб, шаҳарни боғлар, дарахтзорлар, гуллар қўйнидаги масканга айлантиришди. Бугун шаҳарнинг қайси нуктасига борманг, яшиллик оламига дуч келасиз. Айниқса, қўриқ ерда ўсши қийин арчалар ва уларнинг турли навлари бу замида мустахкам илдиш отгани кишини хайратга солади. Шаҳарнинг дарахтларга бурканган Жаловиддин Мангуберди номидаги маданият ва истироҳат боғи эса Қизилқум барханлари кўчиб юрадиган ҳудудга туташ нуктада бунёд қилинганлиги ишонинг келмайди. Бўстон шаҳрининг бу даражада яшиллик оламига бурканишининг ўзига хос сирли бор. Бу ерда Амир Темур номидаги Ботаника боғи фаолият олиб боради. Ушбу боғда дунёнинг турли мамлакатларидан, ўлкаларидан олиб келинган тўрт мингга яқин кўчатлар, дарахтлар, турли хил гуллар ўстирилади. Бу дарахтларнинг, гулларнинг Қорақалпоғистон заминига мослашиши, униб-ўсиши, қандай фойда бериши илмий синовдан ўтказилади. Синовдан муваффақиятли ўтган дарахтлар, гуллар республиканинг бошқа жойларига экиш учун юборилади. Шу тариха бу Ботаника боғи Қорақалпоғистон учун нафақат флора оламини бойитиш мактаби вазифасини бажармоқда, балки Бўстон шаҳрининг республика шаҳарлари учун замонавий ва миллий шаҳарсозлик маданиятида муҳим бўлган кўкаламзор масканлар, эколандшафт тизимини шакллантиришда ибрат бўлиб хизмат қилмоқда.

— Шаҳар ҳам энига, ҳам бўйига кен-

# САҲРО БАҒРИДАГИ БЎСТОН

## Арчазорлар маскани

Эллиқалъага, туманимиз маркази Бўстонга келган одам бу шаҳарни мўъжизакор маскан, деб аташи шубҳасиз. Кенг кўчалар, бир-бирдан қўрқам майдонлар, гулларга бурканган хиёбонлар, чиройли ишоотлар, иморатлар, маданият ва санъат масканлари, илм-фан марказлари бўлган обод мактаблар ҳамда коллежлар, атрофга сув таратаётган фавворалар... Ахир буларнинг ҳаммаси Қизилқум бағридаги, саҳро қўйнидаги мўъжизалар эмасми?! Бўстоннинг яна бир мўъжизаси шаҳар дов-дарахтларга буркангани, соя-салқин эканлигида кўзга ташланади. Бу борада шаҳарнинг ям-яшил арчазорлари алоҳида эътиборни тортади.

Маълумки, кўпчилик арчаларни парваришлаш бошқа дарахтларни ўстиришга нисбатан мураккаб иш, деб қарайди. Айниқса, қумлоқ жойларда ва теvarак-атрофини қум босган, сув кам масканларда арчани парваришлаш янада оғир кечиши аниқ. Ана шунга қарамай шаҳримиз аҳолиси Бўстонни арчазорлар маконига

айлантирган. Шаҳар бағрида минг туپдан ортиқ арча ўстирилмоқда. Марказий кўчалардан бирида арчазордан иборат хиёбон ташкил этилган. Унда арчалар атрофга яшиллик бағишлаб, саф тортиб турибди. Ҳокимият бироқ олдидаги майдон эса арчазор ўрмонни эслатади. Баландлиги 6-7 метрдан ошадиган арчалар

орасидан ўсангиз баҳри-дилдингиз очилади, саратон тафтини сезмайсиз.

Бундай арчазорлар шаҳарнинг ҳамма кўчаларида мавжуд. Санъат саройи, Тарих музейи, Хотира майдони, Устозга эҳтиром майдони, Мухаммад Юсуф номидаги касб-хунар коллежи атрофларидаги бу игнабаргли дарахтлар гўзал келинлардек ясанган ҳолда намоён бўлади. Уздан мусоф-қо ҳаво, кислород тарқатадиган бундай арчаларни аждодларимиз, ота-боболаримиз экишганимиз-йўқми, билмадик. Лекин арчаларнинг 4-5 хили Бўстон кўчаларини, хиёбон ва майдонларини, боғларини ўзи уяига айлантиришган. Эндилликда бўстонлик боғбонлар арчаларнинг ноёб турларини экиб,

уларни шаҳарнинг гўзаллик мулкига айлантиришмоқчи.

Одатда, ҳар бир шаҳарнинг ўзига хослигини намоён қилувчи жиҳатлари бўлади. Масалан, Самарқанд, Бухоро, Хива — тарихий обидалар, ёдгорликлар шаҳарлари, Наманган — гуллар шаҳри, Термиз — Аму бўйидаги порт шаҳар каби номлар билан машҳур. Шу маънода Бўстон замонавий ва миллий шаҳарсозликда гўзал ва қўрқам ям-яшил арчазорлари, мусоф-қо табиати, кўкаламзор масканлари билан доврўқ қозонган шаҳарга айланмоқда. Шаҳарнинг яна бир мўъжизаси ҳам ана шундандир.

**Бозор ДҮРДИЕВ,**  
халқ депутатлари Эллиқалъа туман Кенгаши депутати



лежлар, Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат университетининг академик лицейи фаолият юритмоқда. Уларда, айни пайтда, 8 миңдан ортиқ ўқувчилар билим олмоқдалар. Шу билан бирга, бу коллежлар ва академик лицей бинолари мустақиллик йилларида замонавий ва миллий асосда янгидан бунёд қилинди. Уларнинг барча ўқув аудиториялари, лабораториялари замонавий техникалар, компьютерлар ўрнатилди. Ўқиб ва ўқитиш ишлари халқаро талаблар даражасида олиб борилмоқда. Бундан ташқари, Бўстон шаҳри кейинги йилларда илм-фан бўйича халқаро анжуманлар, санъат фестиваллари, ёш ижодкорлар учрашувлари, мусика бўйича кўрик-танловлар ўтказилган масканга ҳам айланди. Бу ерда икки марта қадимий Хоразм тарихини ўрганиш бўйича халқаро конференция бўлиб ўтди. Хар икки йилда бир марта машҳур санъаткор Отажон Худойшукуровни хотирлаб ёш хонандаларнинг кўрик-танлови, ёш шоирларнинг Бўстон учрашувлари ташкил этилмоқда. Буларнинг ҳаммаси ушбу шаҳарнинг, ҳақиқатан ҳам, маданият, санъат, илм-фан жаҳасида марказ даражасида шаклланишини намоён этади.

— Бўстон шаҳрида қурилиш, бунёдкорлик ишлари бошлангандан бери меҳнат қилиб келмоқдаман. Бу ердаги хар бир бино, ишоот, иморат, кўчалар, майдонлар, хиёбонлар, хатто йўлакларнинг қурилишида ҳам иштирок этганман, — дейди "Тупроққалъа" маҳсул қурилиш жамияти раҳбари Омад Миришов. — Авваллари бу ерда бутунги ёш авлодининг оталари учун уйлар қурган бўлсак, эндилликда уларнинг ўзалари учун иморатлар қурмоқдамиз. Хар бир даврини бинолар барпо этишда ўз талаб ва эҳтиёжлари бор. Шу маънода аввалги иморатларимиз билан бугун қураётган ишоотларимиз ўртасида катта фарқ мавжуд. Бугун бунёдкорлик, қурилиш борасида қўрқамлик, ободлик, мухташамлик, мустахкамлик, яшаш учун қулайлик каби жиҳатлар асосий талабга айланди. Шундай бўлиши керак ҳам эди. Эндилликда Бўстон кўчаларидан юриб, шаҳарнинг гўзал, обод қиёфа касб этишида ўз ҳиссам борлигидан, саҳро бағрида ана шундай шаҳар қад ростлагандан фахрланаман.

Мамлакатимиз Президенти республикамизда замонавий ва миллий шаҳарсозлик маданиятини яратишда хар бир шаҳарда боғлар, яшил майдон ҳамда хиёбонлар барпо этилиши, сув йўллари тартибга келтирилиши, уларнинг соҳилларини обод масканларга айлантириш, хар бир кўча, мавзе,

**Суратлар муаллифи**  
**М.ХАБИБУЛЛАЕВ (ЎЗА)**

**Қамол МАТЕҚУБОВ,**  
"Adolat" муҳбири

# ЎЗБЕКИСТОН БАНК ТИЗИМИНИНГ БАРҚАРОРЛИГИ САҚЛАНМОҚДА

## ЭЪТИРОФ

“Мудис” халқаро рейтинг агентлигининг кейинги 12-18 ой учун “Ўзбекистон банк тизимининг ривожланиш истиқболлари” янги ҳисоботи эълон қилинди. Унга кўра, мазкур нуфузли агентлик кетма-кет еттинчи марта мамлакатимиз банк тизими ривожланиш истиқболларини “Барқарор” даражада қайта тасдиқлади.

Бу иктисодиётимизнинг жадал суръатларда тараккий этиб бораётгани, унинг тармоқларига катта ҳажмда инвестициялар йўналтирилганлиги, тижорат банклари учун барқарор операциялар муҳит яратилганининг яна бир амалий ифодаси, айни чоғда, юксак эътирофидир. Дарҳақиқат, глобал молиявий-иктисодий инкирознинг салбий таъсири хамон сезилиб турган ҳозирги мураккаб шароитда Ўзбекистонда макроиктисодий барқарорлик таъминланаётганлиги. Иктисодиётнинг етакчи тармоқлари, айниқса, банк тизимида муттасил ўсиш суръатлари кузатишмоқда. Бинобарин, ҳозирги кунда республикамиз тижорат банклари даромадлилик даражаси бўйича МДХ мамлакатлари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. “Мудис” агентлигининг қайд этишича, ушбу кўрсаткич келгусида ҳам сақланиб қолади ва бу, ўз навбатида, иктисодиётни кредитлаш ҳажмининг янада ошириш учун мустаҳкам ресурс манбаи бўлиб хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда экспорт таркибининг диверсификация қилиниши, ундан тушган даромадлар эса инвестицияларни молиялаштиришга йўналтирилаётганлиги иктисодиётнинг юқори суръатларда ривожланиши-да муҳим аҳамият касб этаётганлиги.



# Moody's

Хисоботда банклар активларининг ўсиш динамикаси ва сифати ҳам юқори баҳоланган. Мазкур йўналишда келгусида ҳам ривожланиш тенденциялари қузалиши прогноз қилинаётгани диққатга сазовор. 2016 йилда Ўзбекистон тижорат банкларининг умумий капитали 25 фоиз ўсиши кутилаётгани бунинг ёрқин далили сифатида келтирилади. Шу билан бирга, депозитлар ҳажмининг ошishi хисобига банкларнинг ликвидлик кўрсаткичининг юқорилиги таъминланади. Агентлик хулосасига кўра, Ўзбекистонда кредит олишнинг тартиб-таомиллари соддалаштирилгани, йиллик фоиз ставкалари

мақбуллаштирилгани, энг муҳими, бизнес юритиш учун қулай ишбилармонлик муҳити яратилгани туфайли кредитга бўлган талаб юқорилигича қолмоқда. Шу боис банк тизими томонидан 2016 йилда ҳам иктисодий ўсишни рағбатлантиришнинг ички манбаларини излаб топиш, улардан

самарали фойдаланиш борасида чора-тадбирлар дастури ҳаётга татбиқ этилаётгани эътиборга моликдир.

Бундан ташқари, янги депозит маҳсулотлари ишлаб чиқиш ва жорий этиш, омонатлар шартларини мақбуллаштириш, хизмат сифатини янада ошириш бўйича аниқ мақсадли ишлар амалга оширилди. Бунинг самараси ўлароқ, 2015 йил якунлари бўйича МДХ мамлакатлари ичида фақат Ўзбекистон банк тизими “Мудис” халқаро рейтинг агентлигининг “Барқарор” ривожланиш прогнозига сазовор бўлди.

Жаҳондаги етакчи халқаро рейтинг агентлиги томонидан мамлакатимиз банк тизими фаолиятига берилган юксак баҳо омонатчилар ва хорижий сармоядорларнинг Ўзбекистон банкларига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаб, халқаро молия бозорларидаги нуфузининг бундан-да юксалишига асос бўлиб хизмат қилади, албатта.

Абдуғани СОДИҚОВ

Reklama

## «Buxoro Best Realtor» масъулияти чекланган жамияти

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармасининг 2016 йил 20 майдаги 102а-сонли буйруғи ҳамда Шофиркон туман ҳокимининг 2016 йил 11 апрелдаги 281-сонли қарорига асосан Шофиркон тумани Қалмоқон МФЙ, Наврўз кўчаси ҳудудидан яқка тартибдаги уй-жой қуриш учун мўлжаллаган 400,0 кв.метрдан иборат 6 та (1,3,4,5,6,10-сонли) ер участкаларини мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш ҳуқуқлари такроран қўйилмоқда.

Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 904 800 сўмдан.

### Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманомалар аукцион ташкилотчиси томонидан расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача (13:00 дан 14:00 гача тушлик) Бухоро шаҳри Мустақиллик кўчаси 12-уй манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб қабул қилинади. Буюртманомаларни қабул қилиш охириги мuddати 2016 йил 05 сентябрь кунини соат 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдолари 2016 йил 06 сентябрь кунини соат 12:00 да Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси 10-уй, 4 қаватдаги савдолар залида бўлиб ўтади.

Мазкур ер участкалари 2016 йил 06 сентябрь кунини ўтказиладиган очиқ аукцион савдосида сотилмаган тақдирда ер майдонларининг такрорий аукцион савдолари 2016 йилнинг 07 октябры, 2016 йил 08 ноябрь ҳамда 2016 йил 09 декабрь кунлари соат 12:00 да ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий аукцион савдолари учун буюртманомаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион голиби савдо ўтган кундан бошлаб 20 кун мuddат ичида ерга бўлган ҳуқуқни тасаруф қилиш бўйича олди-сотди шартномасини тузиши ҳамда олди-сотди шартномасига асосан мулк учун тўловларни амалга ошириш юклатилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулкнинг бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдориде закатат пуллари тўлашлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — паспорт нусхасини, хорижий юридик шахслар — уларнинг уставининг белгиланган тартибда легализация қилинган нусхаси, хорижий фуқаролар — чет давлат миллий ёки дипломатик паспорти, Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган шахслар — яшаш гувоҳномаси нусхаси, вакил иштирок этганда ишончнома тақдим этишлари сўралади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувга асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини савдо кунига қадар «BUXORO BEST REALTOR» масъулияти чекланган жамиятининг «Савдогар банк» Бухоро филиалидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Х/р: 20208000900483347001, МФО 00112, СТИР 303086230.

Қўшимча маълумотлар билан танишиш ва буюртманомаларни қабул қилиш манзили: Мустақиллик кўчаси 12-уй. Тел.: (0365) 221-54-43 www.realtor-company.uz Лицензия RL 0248

# ИНСОН ШАЪНИ ВА ҚАДР-ҚИММАТИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

## Ислохотлар Самараси

Бунёдкор халқимиз тарихан қисқа даврда улкан ютуқларни қўлга киритди, мамлакатимиз дунё ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлиб, иқтисодиёти тез суръатларда ўсиб бораётган давлатга айланди. Кенг қамровли ислохотлар самарасини ҳаётимиздаги ўзгаришлар мисолида ҳам кўриб турибмиз. Истиқлол, энг аввало, инсон қадр-қимматини сарбаланд этди.

Бугун республикамизнинг барча ҳудудларида мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллигига бағишлаб ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирларда мустақиллик ҳаётимизнинг маъно-маъмуний тубдан ўзгариши, халқимизни қарамлик кишанларидан озод қилгани, топталган қадриятларимиз, дину диёнатимиз, ору но-мусимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, фаровон ҳаёт ва ёрғун келажакимизни ўз қўлимиз билан қуриш йўлида бекиб имкониятлар очиб бергани кенг тарғиб қилинмоқда.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига қўшилди, мазкур декларация қондилари Конституциямиз, инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган миллий қонунчилик меъёрларида ўз ифодасини топди.



Бош қомусимизда Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний тамойилларга асосланиши, шунга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши, давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб амалга ошириши белгилаб қўйилган. Шу қондилар асосида мамлакатимизда “Ислохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун”, деган тамойил ҳаётга татбиқ этилди. Шу билан бирга, Конституцияда фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларига пугур етказмаслиги шартлиги тўғрисидаги қоида ҳам белгиланган.

Маълумки, фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи инсон ҳуқуқлари таъминланиши ва самарали ҳимоя қилинишининг муҳим омилларидан биридир. Шу боис миллий қонунчиликимизда фуқаролар мурожаатлари масаласига алоҳида ўрин берилган. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонуни фуқароларнинг

давлат органларига мурожаат этиш тартибини янада такомиллаштирди. Қонун асосида юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ҳуқуқий тартибга солинди. Ушбу соҳадаги қонунбузилиши учун жавобгарлик белгиланиб, давлат органларига, мансабдор шахсларга мурожаат қилиш тартиби аниқлаштирилди. Мазкур қонун фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг қўшимча қаролатларини белгилади.

Умуман олганда, жамиятнинг барча жабҳаларида олиб борилаётган кенг қамровли ислохотларда инсон шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш,

унинг ҳуқуқларини олий қадрият сифатида эътироф этиш каби юзлар ўз аксини топмоқда.

Бугун шаҳар ва қишлоқларимиз кўрнгида кўрк қўшаётган замонавий иншоотлар, таълим муассасалари, намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган турар жойлар, дам олиш масканлари, истироҳат боғлари, спорт комплекслари, равои йўллари — барча-барча бунёдкорлик ишлари инсон, унинг манфаатларини кўзлаб амалга оширилмоқда.

Юртдошларимизнинг онгу тафаккурида рўй бераётган туб ўзгаришлар, уларнинг ён-атрофдаги воқеаларга муносабати, дахлдорлик ҳисси, сиёсий фалоллиги ва фуқаролик позицияси тобора ўсиб бораётгани ҳам эътиборга моликдир.

Хулоса қилиб айтганда, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг қонуний манфаатларини таъминлаш масалалари Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатида устувор аҳамият касб этади. Мамлакатимизда иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар пировардида эзгу мақсадга — инсон манфаатларига хизмат қилади.

Мадина КУРБАНОВА, Тошкент шаҳар, Учтепа тумани 9-сонли ДНИ нотариуси

## Хуқуқий масалаҳат

— Онам билан аёллар учун кийим-кечаклар тиқиб, бозорга чиқармоқчимиз. Лекин ушбу тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун бизда алоҳида бино мавжуд эмас. Шу боис ўзимиз яшаётган турар жойда фаолиятни амалга оширсак бўладими?

К.Манзурова, Вобкент тумани

— Мамлакатимизда тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириши рағбатлантириши, уни қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳуқуқий ҳимоя қилиш масаласига доимий равишда эътибор қаратиб келинмоқда.

Шунга кўра, бизнинг менталитетимизга мос бўлган тадбиркорликнинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли — оилавий тадбиркорлик жорий этилди ва унинг ҳуқуқий асослари яратилди.

“Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, оилавий тадбиркорлик бу — оила аъзолари томонидан таваққал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида фойда олишга қаратилган фаолият ҳисобланади. Оилавий тадбиркорлик юридик шахс ташкил этган ёки ташкил этмаган ҳолда амалга ошириладиган оилавий тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли оилавий қорхона ҳисобланади.

Оилавий тадбиркорлик иштирокчилари — оила бошлиғи, унинг хотини (эри), болалари ва набралари, ота-онаси, қаринодошлари ҳисобланади.

Оилавий қорхона иштирокчиларига мулк ҳуқуқи асосида ёки бошқа қонуний асосда тегишли бўлган турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар, ишлаб чиқариш, хўжалик бинолари ва бошқа иморатлар оилавий қорхона фаолияти амалга ошириладиган жойлар бўлиши мумкин.

Оилавий тадбиркорлик субъектларига бошқа тадбиркорлик субъектларидан фарқи ўлароқ бир қатор афзалликлар берилган.

Хусусан, оилавий қорхона иштирокчиларига тегишли бўлган турар жойларни улардан оилавий қорхона фаолиятида фойдаланиш мақсадида яшаш учун мўлжалланмаган жойларга айлантириш талаб қилинмайди.

Бундан ташқари, тадбиркорлар турар жойларидан бир вақтнинг ўзида истиқомат қилган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширсалар коммунал инфратузилма хизматлари, жумладан, электр энергияси, сув таъминоти, канализация, газ таъминоти ва иссиқлик таъминоти ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади.

Саволга Адлия вазирлиги масъул ходими Улугбек МАХМУДОВ жавоб берди.

## Эҳтиёт бўлинг, ўйинчоқ!

### БОЖХОНА БЕКАТИ

Юртимизда болалар ўйинчоқлари хавфсизлигини таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Чунки ўйинчоқлар нафақат ташқи кўриниши, балки кимёвий таркиби, гигиеник сифати билан ҳам келажакимиз эгаларига зиён етказмаслиги ҳар жиҳатдан муҳим ҳисобланади.

Амалдаги тартибларга кўра, республикамизга олиб кириладиган болалар ўйинчоқлари ва ўйинлар мажбурий тартибда сертификатланадиган товарлар турига кириди. Яъни, бу турдаги товарларнинг божхона расмийлаштируви жараёнида гигиеник ва мувофиқлик сертификатлари талаб этилади. Қолаверса, республикамизга олиб кириладиган болалар ўйинчоқлари давлат тилида марказлаштириш лозим.

Афсуски, мазкур тартибларга риоя қилмасдан туриб, сифати кафолатланмаган ва тегишли хужжатлари бўлмаган болалар ўйинчоқларини олиб киришга уринишлар ҳам кўзга ташланмоқда. Яқинда пойтахт божхона қондилари томонидан шу турдаги бир нечта божхона қондубузариликлари фож қилинди.

Жумладан, Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг “Тошкент-товар” ташқи иқтисодий фаолият божхона пости ходимлари томонидан пойтахт божхона фаолият юридаётган қорхоналардан бирининг номига хориждан темир йўл контейнерида келтирилган юклар ўрнатилган тартибда божхона кўригидан ўтказилганда, мазкур товарларга тегишли божхона юк декларацияси ва йўл-юк кузатув хужжатларида қайд қилинмаган, қиймати салкам 4,5 миллион сўмлик 6 турдаги 504 дона болалар ўйинчоқлари яширин равишда олиб киришга уринилган аниқланди.

Мазкур постда аниқланган шунга ўхшаш яна бир ҳолатда эса, яқка тартибдаги тадбиркор номига хориждан келтирилган юклар божхона кўригидан ўтказилганда, унда божхона юк декларацияси ва божхона хужжатларида қайд қилинган миқдордан ортикча бўлган 37,1 миллион сўмлик 3903 дона болалар ўйинчоқлари олиб кирилгани фож бўлди.

Ҳозирда мазкур ҳолатлар юзасидан божхона сурштирувлари ва текширув жараёнлари давом эттирилмоқда.

Рақамларга мурожаат қилсак, жорий йилнинг 1-ярми мобайнида Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ходимлари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқланган 455 та қондубузарилик ҳолатларида қиймати салкам 7 миллиард сўмлик товар моддий бойликларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Шу ўринда юртдошларимизга божхона қондубузариликчи ёки божхона ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг 120-76-76 “Ишонч телефони” рақамига қўнғироқ қилишлари мумкинлигини эслатиб ўтаемиз.

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ахборот хизмати



# Ишбилармонлик ва тадбиркорлик — ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда

## ► МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

Юртимизда молия-банк тизимининг барқарор ва ишончли фаолият юритиши, иқтисодиётда амалга ошириладиган янгиланиш ва ўзгаришлар, умуман, мамлакатимизни модернизация қилиш йўлидаги дадил қадамлар дунё жамоатчилиги томонидан кенг эътироф этилмоқда.


“Ипотека-банк” акциядорлик-тижорат ипотека банки мамлакатимиз ҳаётида муҳим аҳамиятга эга давлат дастурларининг амалга оширилишида ҳамда ҳудудларни ривожлантиришга доир лойиҳаларни зарур маблағ билан таъминлашда фаол иштирок этиб келмоқда. Хусусан, бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи кучига айланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлашга ҳам муносиб улуш қўшмоқда.

Вазифалар аниқ, мақсадлар олижаноб, фикрлар яқдил. Эзгу мақсадлар рўёби сари илдам одимлаб бораётган мамлакатимизда аҳоли турмуш шароитлари яхшиланиб, реал даромадлари кун сайин ортиб бораётганини қувонч ва фахр билан тилга олиш мумкин. Бугунги кунда мамлакатимизда олиб бориладиган изчил ислохотларнинг амалий натижаларини бирма-бир сарҳисоб қилар эканмиз, бу жараёнда банк-молия муассасалари иқтисодий ривожланишнинг асосий таянчи эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Юртимизда фаолият олиб бораётган йирик молия муассасаларидан бири “Ипотека-банк”нинг ҳам бундай муваффақиятлардаги ҳиссаси тобора ор-

тиб бормоқда. Универсал банк сифатида аҳолига кенг қўлама банк хизматларини тақдим этар экан, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, қурилиш соҳалари шиддат билан ривожланиб боришида ушбу банк сармояларининг ўрни алоҳида.

Ҳозирда иқтисодиётимизнинг ҳаракатлантирувчи таянч бўғинларидан бири — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик республика иқтисодиётида тобора мустахкам ўрни эгаллаб, тармоқлар ривожига ҳал қилувчи кучга айланиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Шу ўринда қайд этиш керак, бугун мамлакатимизда мазкур соҳани жадал ривожлантириш, ишбилармонлик ва тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мустахкам молиявий таянчга эга ишбилармонлар эндиликда нафақат ички бозорни, балки экспортга йўналтириладиган товарлар бозорини ҳам тўлдириб бормоқда.

Мамлакатимиз истеъмол бозорига эҳтиёж юқори бўлган маҳсулотларнинг асосий қисми хусусий сектор вакиллари томонидан ишлаб чиқариладигани, айниқса, уларнинг аксарияти рақобатбар-



**Жиззах шаҳридаги “Ҳақиқат Отабек” кичик корхонаси ойнага қайта ишлов беришга ихтисослашган.**

“Ипотека-банк”нинг ҳудуддаги бўлими молиявий кўмағида фаолият бошлаган мазкур корхона маҳсулотлари вилоятдаги мебель ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда қурилиш фирмаларига етказиб берилмоқда.

Суратларда: корхона ишчилари Баҳром Ақромов ва Дибёр Содиқов.

дош, жаҳон андозаларига жараҳат берилиши иқтисодий кўрсаткичларимиз юксалиб бораётганидан дарак беради. Шундан келиб чиқиб айтиш жоизки, ушбу соҳа тараққиёти йўналишида “Ипотека-банк” томонидан жорий йилнинг олти ойи якунига қўра 595,5 миллиард сўм миқдорига сармоялар ажратилган. Шундан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган микрокредитлар 128,8 миллиард сўмни ташкил этмоқда. Ҳудудларда иқтисодий ўсиш суръатларини юксалтириш, ривожланишда ихтисосий барқарорликка эришиш, қолаверса, кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва қўрсатилмаётган хизматларнинг яқини ички маҳсулотдаги улушини ошириш галдаги муҳим вазифаларимиздан бири ҳисобланади. Онлавий тадбиркорликни шакллантириш, миллий хунармандчилик ва қасаначиликни ривожлантириш миллий менталитетимизга хос бўлган асосий унсурлардан биридир. Шу боис, мазкур соҳанинг янада такомиллашуви учун банк томонидан жорий йилнинг олти ойи якунига қўра 7,3 миллиард сўм, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш учун эса 102,4 миллиард сўм ажратилди.

Иқтисодий кўрсаткичларнинг юксалиши турмушимиз фаровонлашувини ҳам аниқлатади. Тадбиркорлар олдига қўйилган энг муҳим талаблардан бири ички бозор талаб эҳтиёжларини ҳар томонлама ўрнатган ҳолда фаолият юритишдир. Банк филиаллари орқали аёллар ўртасида тадбиркорлик қўнмақларини ҳосил қилиш ва ривожлантириш учун 2016 йил олти ойи якунига қўра 65,9 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Саноат ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантиришда, иқтисодиётнинг аксарият улуши кишлоқ хўжалиги билан боғланиб қолган вилоятларда ноозик-овқат ис-

теъмоқ товарлари ишлаб чиқариш учун 149,1 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ҳамда озик-овқат товарлари ишлаб чиқаришга 81,0 миллиард сўм миқдорига кредитлар ажратилди. Шу билан биргаликда, ишбилармонлик қўнмақларини шакллантириш, барча ривожланган мамлакатларнинг иқтисодиётидаги каби мамлакатимизда ҳам ўрта синфни мустахкамлаш, хусусан, ёшларнинг, касб-хунар коллежлари битирувчилари-

## МИЖОЗ ЭЪТИРОФИ

**Бекшод МАМАТОВ,**  
**“Бекшод Мебель”**  
**кичик корхонаси раҳбари:**

— Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни кўнглимга тугиб қўйганимда ҳали анча эш эдим. Дастлаб бир неча кишидан иборат гуруҳимиз билан болалар учун ётоқ мебеллари, сандик, ошхона мебеллари ишлаб чиқарар эдик. Маҳсулотнинг сифати бир кишигагина боғлиқ эмас, ҳамжиҳат бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилинсагина мақсадга етиш мумкин. 2014 йил октябр ойида “Ипотека-банк”нинг Кўрсарой филиалига сармоя сўраб мурожаат қилганимизда банк томонидан 40 миллион сўм миқдорига маблағ ажратилди. Иш фаолиятимиз кенгайиб бориши билан сифат кўрсаткичлари ҳам яхшиланди. Соҳада ортирган тажрибаларимиз самараси ўларок, маҳсулотларимиз ички бозорларни эгаллай бошладим. Мебелларимиз янги турларини ишлаб чиқаришга эҳтиёж кўпайган сари иш кўламини кенгайтириш мақсадида банкка яна молиявий кўмак сўраб мурожаат қилдик. Бизнес лойиҳамиз ижобий баҳолашиб, бизга 100 миллион сўм миқдорига кредит ажратиш кўзда тутилди. Натижада юмшоқ мебелларнинг, хусусан, тиббиётга хос мебелларнинг ҳам бир неча турларини тайёрлашга ихтисослашган замонавий асбоб-ускуналар сотиб олишга муваффақ бўлдик. Ҳозир бир кеча-кундузда 4,5-5 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаб бераётган ишчиларимизнинг асосий қисми касб-хунар коллежи битирувчиларидир.

Тадбиркорликнинг асосий хусусияти бу ҳамжиҳатликда. Чунки бунда бир неча киши манфаати бир нуқтада бирлашади. Эндиликда тадбиркорлик кўп изланишларни талаб қилмоқда. Янгиликлар сари олға интилган ҳолда, муваффақиятларимиз кўламини кенгайтиб бормоқда. Қувонч билан шуни айта оламаники, харидорлар маҳсулотларимизга талаб кун сайин ортмоқда. Бунга сабаб сифат ва нарх уйғунлигидир. Биз каби эзгу мақсадларни дилига жо қилган тадбиркорлар давлатимиз, қолаверса, молия муассасалари томонидан ҳар тарафлама қўллаб-қувватланаётгани кўриб, кўнглимизда эртанги кунга бўлган юксак ишонч туйғуси жўш уради.

## МИЖОЗ ЭЪТИРОФИ

**Тўлқин АКБАРОВ,**  
**Тошкент вилоятидаги “Ўғит савдо” МЧЖ**  
**раҳбари:**

— Фаолиятимизни такомиллаштириш, кенгайтириш мақсадида 2014 йилда молиявий кўмак сўраб “Ипотека-банк”нинг Меҳнат филиалига мурожаат қилдик.

Корхонамизда олтингургурт хомашёси қайта ишланиб, кимёвий воситалар ҳолида экинларга ишлов бериш учун фойдаланиладиган ўғитлар ишлаб чиқарилади.

Мазкур фаолият тури нафақат юртимизда, балки Марказий Осиёда биринчи бўлиб йўлга қўйилган. Бундай ўғитлар ноистеъмол маҳсулотларини тайёрлашда ҳам кенг қўлама ишлатилади.

Маҳсулот сифатини ошириш, ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш учун замонавий ускуналарга эҳтиёж сезилди. Импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича тузилган лойиҳамиз банк томонидан қўллаб-қувватланди. 2016 йил апрель ойида банкдан 1 миллиард сўмга яқин кредит олишга муваффақ бўлдик. Ушбу маблағлар эвазига фаолиятимизни янада такомиллаштириб, корхона учун зарур жиҳозлар, асбоб-ускуналар сотиб олдик. Ҳозирда маҳсулотларимизнинг асосий қисмини Украина, Туркия, Қирғизистон каби давлатларга экспорт қилаёмиз. Натижада иш самарадорлиги янада ортиб, қўшимча 5 та иш ўрни яратишга эришдик. Жорий йилда мазкур молия муассасасидан яна 700 миллион сўм кредит олиб, ишлаб чиқаришни янги босқичга кўтармоқчимиз. Олиначак кредит эвазига фармацевтика маҳсулотларини қадоклаш учун асбоб-ускуналар сотиб олишни режалаштиряёмиз. Айни пайтда корхонамизда 2 турдаги маҳсулот ишлаб чиқариладиган бўлса, йил якунига қадар маҳсулотларимиз турини яна 3 тага кўпайтирмоқчимиз. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, “Ипотека-банк” билан ўзаро ҳамкорлигимиз туфайли қўрилган натижаларни кўлга киритиб келаямиз.

кўламини ҳам кенгайтириб бормоқда. Миқдорлар учун хизматлар жозибдорлигини ошириш, шунингдек, аҳолининг нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимига бўлган қўнмақларини мустахкамлаш мақсадида, банк мунтазам равишда пластик қарточкалар бўйича хилма-хил янги хизмат турларини ишлаб чиқиб, хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантирмоқда. Шунга қўра, 2016 йил олти ойи ҳолатига банкнинг муомаладаги пластик қарточкалари сони 1 миллион 589 мингдан ортиқни ташкил этди. 19823 га яқин савдо шохобчаларига ўрнатилган терминаллар аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Ушбу терминаллар орқали янги “онлайн” қарточкалардан тўловларни қабул қилиш йўлга қўйилган.

Юқоридаги рақамлар “Ипотека-банк” фаолиятининг бир қисмини акс эттирувчи кўрсаткичлардир. Банк юртимизда амалга ошириладиган ислохотларнинг ижросини ҳаётга татиқ этишда жонбозлик кўрсатган муассасалардан биридир. Келинг, шу ўринда юртимизда иқтисодий ислохотларни амалга оширишда банк томонидан қилинадиган айрим ишларга тўхталиб ўтсак.

Ҳозирги кунда юртимизнинг ҳар бир гўшаси, ҳатто, энг олис ва чекка кишлоқларида ҳам замонавий, қулай ва кўркам турар жойлар барпо этиш, маиший хизмат кўрса-

тиш кўламини кенгайтириш, ободонлаштириш мақсадларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган давр мобайнида ана шундай бунёдкорлик ишлари самарасида қўллаб-қувватланган турар жой масканлари бунён этилди.

Шинам уй-жой, тинчлик ва хотиржамлик, ишдаги барака, рўзгордаги тўқиллик, оқил ва соғлом фарзанд камолоти — буларнинг барчасини ягона мақсад бирлаштиришнинг асосий бахти. Биз танлаган йўл — тараққиётнинг “ўзбек модели”, инсон манфаатларини қўзғалган ислохотлар, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган эътибор, шаҳару кишлоқларни обод этиш замирида ана шу мақсад — оилавий бахт, мустахкам оиланинг барқарор бўлишидек эзгу мақсад мужассам.

Муҳтасар айтганда, “Ипотека-банк” томонидан йўналтирилган мақсадли сармоялар иқтисодиётимизнинг барча тармоқларини бирдек қамраб олмақда. Шу билан бирга, ҳодимларимиз аҳолига сифатли банк хизматларини тақдим этиб, республикамизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам тадбиркорлик ва хусусий мулкчиликнинг вужудга келиши ва шаклланишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Буни банк миқдорларининг — ишбилармонларнинг эътирофида ҳам кўриш мумкин.

Миқдорларнинг асосий кўрсаткичидир. “Ипотека-банк” жамоаси ҳам бундан яқин билади, доимо миқдорлар манфаатини кўзлаб иш тутаяди. Шу боис ҳам тадбиркорларнинг ишида унум ва барака бор. Энг муҳими, банк томонидан кўрсатилмаётган хизматлар, ажратилмаётган сармоялар жойларда, айниқса, қишлоқларда тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга катта ҳисса қўшаётгани эътиборга моликдир. Банк жамоаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлар экан, ўз сармоялари ва хизматлари билан ҳар бир хонадонга яна ҳам яқинроқ кириб бораверади.

Банк материаллари асосида «Adolat» муҳбири Орифжон ЎЛМАСОВ тайёрлади.

## ЭЪЛОН

Азиз ватандошлар!

Фотокўргазмага марҳамат!

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарор ижроси доирасида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши ташаббуси билан "Гўзал ва бетакоримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида Мустақилликнинг 25 йиллигига бағишланган фотокўргазма ташкил қилинмоқда.

Кўргазмада 25 йил давомида Ўзбекистондаги бунёдкорлик, мустақиллик манзаралари, истиқлол ислохотлари, халқаро эътироф ҳамда партиянинг амалий ишлари фотосуратлар, хунармандчилик намуналари, тарғибот материаллари ҳамда ижодий ишлар орқали намойиш этилади.

Фотокўргазманинг тантанали очилиш маросими жорий йилнинг 9 август куни соат 10:00 да Ёшлар ижодиёти саройида бошланади.

Манзил: Мустақиллик шоҳжўчаси 2-уй.

Мўлжал: "Мустақиллик майдони" метро бекати.

"Адолат" кубоги учун мини-футболнинг финал босқичи Сизни кутмоқда!

Мустақилликнинг 25 йиллиги арафасида Ўзбекистон "Адолат" СДП Сийёсий Кенгаши ташаббуси билан "Гўзал ва бетакоримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида республика мини-футбол мусобақалари ўтказилмоқда.

Шу кунга қадар мусобақанинг саралаш ҳамда вилоятлар ўртасидаги минтақавий босқичи бўлиб ўтди. Жорий йилнинг 10 август куни соат 9:00 да мини-футболнинг финал босқичи ўтказилади.

Барча спортсевар юрtdошларимизни "Ёшлик" спорт мажмуасига таклиф этамиз.

Манзил: Ўзбекистон кўчаси, 98-а уй.

Мўлжал: "Пахтакор" стадиони

Энг улуг ва энг азиз байрам арафасида Сиз билан дийдор кўришидан мамнунмиз!

## Буюкликнинг тамал тоши

## ➤ ФАХР

Мамлакатимиз кейинги 25 йил ичида ўзига хос иқтисодий тараққиёт, ижтимоий юксалиш, маънавий тамаддун йўлини босиб ўтди. Шу давр мобайнида юртимиз янги давлат сифатида шаклланди, дунё ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди. Қишлоқ хўжалиги, саноат, маданият, спорт, табобат, илм-фан ва бошқа соҳалар юксак тараққий этди.

Шаҳар ва қишлоқларимиз киёфаси замонавий, миллий меъморчилик анъаналари асосида тубдан ўзгарди. Бунёдкорлик, янгиликларни кучайтиришга аҳамият берилди. Эндиликда республикамиз ҳар қандай мамлакатлар билан нафақат иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа соҳаларда дўстона ҳамкорликларни амалга оширмоқда, балки тараққий этган чет эл давлатларининг ўзлари мамлакатимиз билан бундай муносабатларни кучайтиришга интилоқда.

Республикамизда фаолият юргатаётган юзлаб қўшма корхоналар, Навоий ва Жиззахдаги иқтисодий зоналар, замонавий Ўзбек тракти ҳисобланмиш автомобиль йўлини, янги темир йўлларни барпо этиш, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Андижон, Қашқадарё, Самарқанд, Хоразм ва бошқа вилоятлардаги йирик заводлар, корхоналарнинг ишга туширилиши ана шу ҳамкорликларнинг ижобий натижасидир. Амалга оширилган бундай

улуғвор ишларни, яратувчиликларни кўриб қалбимиз қувончга тўлади, дилмизда фахр туйғуси уйғонади.

Ана шу ютуқлар баробарида яна бир соҳада эришилган муваффақиятлар борки, бу барча улуғвор ишларнинг асосига, тамал тошига айланди десак, хато бўлмайди. Бу чорак аср ичида халқимизнинг ўзлигини англаб етиши, миллий ғурурининг тикланиши, ҳаётга муносабатда янгича дунёқарашнинг шаклланишидир. Маълумки, истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб халқимиз, мамлакатимиз тарихини ҳаққоний ёритиш, ўтмиш меросимизни асл ҳолида тиклашга алоҳида эътибор қаратилди. Олис ўтмиш излари тадқиқ этилди. Натижада Ватанимиз ҳудудларида истиқомат қилган инсонлар милоддан олдинги даврларда Хоразм, Сўғдиёна, Бактрия каби ўлкаларда давлатчилик асосларини барпо этганликлари аниқланди. Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Термиз, Қарши, Хива сингари шаҳар-

ларнинг 2500, 2700, 2750 йиллик тўйларининг халқаро миқёсда ўтказилиши мамлакатимизни дунёга инсоният учун бешик бўлган ва давлатчилик тарихини бошлаб берган ўлкалардан бири сифатида тавғиди. Бу олис ўтмишимизнинг улуғворлигини кўрсатди. Халқимизнинг азал-азалдан буюк, бунёдкор миллат эканлигини намоян этди. Буларнинг барчаси халқимизнинг ғурурини юксалтирди, ўзлигини янада чуқурроқ англаб етишига имкон яратди.

Айни пайтда, истиқлол йилларида буюк аждодларимиз бўлган кўплаб алломаларнинг ҳаётини тадқиқ этиш, ижодий-илмий меросини ўрганиш, хотирасини абадийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Маълумки, собиқ шўролар даврида алломаларимиздан бир-иккитасининг номи тилга олинар, улар мероси ўша давр мафқураси асосида бирёклама талқин қилинарди. Истиқлол йилларида эса ўнлаб алломалар, ижодкорлар, буюк шахслар номлари халқимиз учун янгидан кашф қилинди. Аҳмад ал-Фарғоний, Махмуд аз-Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Амир Темур, Жалолиддин Маншуберди, Абу Лайс Самарқандий, Абу Мансур Мотурудий, Абдуллоҳлик Гиждувоний, Саййид Амир Кулол, Баҳовуддин Нақшбанд каби кўплаб буюк сиймолар мерослари тадқиқ этилиб, хотиралари улуғланди. Бу каби алломалар, улуғ шахслар халқимизнинг илм-фан, маданият,

давлатни бошқариш ва бошқа соҳаларда етуқ бўлганлигини кўрсатди. Шарқда маълум ва машҳур ҳисобланган Бағдод Маъмур академияси ва Хоразм Маъмур академиясининг асосчилари ҳамда етакчилари Марказий осийлик, хусусан, Ўзбекистонлик алломалар, мутафаккирлар бўлганлигини, бу академиялар дунё илм-фани ва тараққиётида Уйғониш даврини бошлаб берганлигини жаҳон олимлари яхши биладилар, тан оладилар.

Яна бир жабҳага эътибор беринг, ўрта асрларда илм-фаннинг қайси соҳасига назар ташласангиз, у хоҳ астрономия, тиббиёт, математика дейсизми, хоҳ алгебра, ҳандаса, кимё, музыка, мантик, геология, минерология, таби-

атшунослик соҳасими, буюк кашфиётларнинг аксарияти аждодларимиз номи билан буюкликлигини кўрасиз. Ёхуд "Авесто" каби дунё китобат санъатининг илк намуналаридан бири ҳам юртимизда яратилганлигини эсланг. Ёки ислом динининг илмий асослари, манбалари, қонун-қондалари ўлкамиздан етишиб чиққан қалом илми, мантик илми, фикх илмининг улуғ алломалари, билимдонлари томонидан тадқиқ қилинганлигини бир тасаввур қилинг. Бугунги кунда истиқлол туғайли ана шу тарихий илмий-маърифий ҳақиқатлар ҳаётда ўз амалий ифодасини топди. Буларнинг барчаси халқимиз қалбида фахр-ифтихор туйғусини уйғотди, ғурурни юксалтирди.

Биз бугун мустақиллик даврида босиб ўтган йўлимизга назар ташлаб "Ким эдигу ким бўлди?" деган саволга ҳар биримиз ўзимизга хос жавоб топишга интилаяпмиз. Назаримда, биз истиқлол даврида кўп ишларни амалга ошириш билан бирга тарихимизни, қадриятларимизни, ўлмас меросимизни қайта тикладик. Юртимизнинг, миллатимизнинг буюкликдан фахрландик, ғурурландик. Халқимизнинг қадр-қимматини англаб етдик. Шунинг учун бу давр тарихга кўп улуғвор ишлар, бунёдкорликлар билан бирга миллатимизнинг ўз-ўзини англаб етиш, ғурурини тиклаш даври сифатида ҳам муҳрланажак! Булардан келиб чиқади хулоса битта: тарихда буюк ишларни амалга оширган халқнинг келажаги ҳам, албатта, буюк бўлади. Буюкликдан буюклик яралади.

Тоштемир ТУРДИЕВ,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

## TOSHRANGMETZAVOD

Жаннатмонанд юртимизнинг  
меҳнатсевар, фидойи халқини  
яқинлашиб келаётган

Энг азиз, энг улуг байрамимиз —

Ўзбекистон Республикаси  
Мустақиллигининг 25 йиллиги

билан самимий  
муборақбод этамиз.

Тилагимиз ҳар бир хонадондан  
қут-барака, файз аримасин.

Юртимиз тинч, Истиқлолимиз абадий бўлсин!

МУАССИС:

Бош муҳаррир: Ислам ҲАМРОЕВ

Бўлимлар:

«Адолат»дан кўчириб босиш таҳририят руҳсати билан амалга оширилади.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 160



Таҳрир ҳайъати:  
Наримон УМАРОВ  
Муҳаммад АЛИ  
Гавҳар АЛИМОВА

Тошпўлат МАТИБАЕВ  
Талъат МУРОДОВ  
Абдуқамол РАҲМОНОВ  
Собир ТУСУНОВ

Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Котибиёт — 288-42-14 (144);  
Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 288-42-12 (146);  
Қабулхона — 288-42-23; 288-42-12 (141) факс;  
Реклама бўлими — 288-42-14 (144)

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган  
Таҳририят манзили: 100043,  
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани  
«Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.  
info@adolat.uz

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилади. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қўвоз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 800. Адади — 6540. Босишга тошириш вақти — 21.30. Босишга тошириш вақти — 22.00. Баҳоси меъмурият нарҳи

ISSN 2071-5217



1 2 3 4 5